

Рахмонова Сарвиноз Фахриддин қизи
ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси ўқитувчиси

Сайдбаҳромова Феруза Дилшод қизи
ЎзМУ Иқтисодиёт факультети талабаси,
Талабалар илмий жамияти аъзоси

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА КИМЁ САНОАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада Хитой Халқ Республикасида кимё саноатининг шаклланиши ва минтақавий жойлашуви хусусиятлари ёритиб берилган. Ҳозирги вақтда Хитой кимё саноатининг муҳим тармоқлари ва уларнинг ривожланиши ўйналишлари кўрсатиб берилган.

Аннотация: В статье описаны особенности формирования и регионального расположения химической промышленности Китайской Народной Республики. Указаны важные отрасли химической промышленности Китая и направления их развития.

Abstract: The article describes the features of the formation and regional arrangement of the chemical industry of the People's Republic of China. The important branches of the chemical industry of China and the direction of their development are indicated.

Хитой Халқ Республикаси саноат ишлаб чиқаришда Хитой кимё саноатининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунга келиб Хитой саноатининг 3-чи йириқ, оғир саноатининг эса 2-чи йирик тармоғи ҳисобланади. Саноатнинг бу ривожланган тармоғи мамлакат ялпи ички маҳсулотини 10%ини ишлаб чиқаради, бу борада саноатнинг фақат текстиль ва машинасозликдан ортда қолмоқда. Хитой кимё саноатининг асосий шаклланиш даври 1998-2009-йиллар оралиғига тўғри келади. Ҳозирда Хитой Осиё тинч океани минтақаси кимё бозорининг 55%ини (2015 й.) ўзининг тез ўсиб бораётган кимё саноати билан эгаллаб турибди, ва табиийки минтақада аллақачон якка пешқадамга айланиб улгурган. Сўнгги беш йилликда Хитой саноатининг бу тармоғи ўртacha 10%дан ўсиб бормоқда. XXРда саноатнинг барча соҳалари сингари, кимё саноатида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. 1949-йилга қадар кимё саноати у қадар ривожланмаган эди. Умумий ҳисобланганда мамлакатнинг соҳил ҳудудларида 8 тага яқин нисбатан йирик кимё заводлари мавжуд булиб, 1949-йилда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг атиги 3 фоизини ташкил этган. Шу йили мамлакатда 40000 тонна сульфат кислотаси, 88000 тонна пеплазола содаси, 15000 тонна каустик сода ва 6000 тонна олтингугурт амиаки ишлаб чиқарилган. Кимёвий маҳсулотларнинг жуда катта қисми импорт ҳисобига қондирилган, органик кимё саноати соҳаси эса

деярли мавжуд бўлмаган. 1949-йилдан бошлаб кимё саноатида жадал ўсиш суратлари кузатилди (йилига 17% ўсиш суратлари билан ривожланди, ривожланиш сурати бўйича нефть қазиб олиш саноатидан кейин иккинчи ўринда). Кимё саноати соҳасида кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланишига катта аҳамият берилди. Кимё саноати дастлабки заводлари комплекси Ланъчжу ва Таюаньда, нефткимё ва кимёвий ўғит ишлаб чиқариш йирик заводлари Яньшань ва Цзилунда барпо этилди. Асосан кимёвий ўғит ва синтетик аммиак ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналар мамлакатнинг чет худудларида ташкил қилинди.

1952-йилда кимё саноати мамлакатнинг бир қанча соҳил худудларида мужассамланди. Ляонин ва Шанхай шаҳарларига кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ярмидан кўпроғи тўғри келган бўлса, қолган қисми Тяньцзинь, Пекин, Цзянсу, Шаньдун ва Гуандун шаҳарлари орасида тақсимланди. Нисбатан ривожланган кимё саноатига эга бўлган ягона ички худуд эса Сичуан ҳисобланган. 1952-йилдан бошлаб мамлакатнинг ички худудларида ҳам кимё комплексларини яратиш, мавжудларини эса реконструкция қилиш ишлари олиб борилди. Натижада, 1952-1979-йиллар давомида мамлакат ички қисмида жамланган кимё ишлаб чиқаришининг умумий кимё саноатидаги улуши 17.3 фоиздан 36 фоизга ўсади ва Тибетдан ташқари мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида кимё саноати заводлари, фабрикалари, йирик комплекслари яратилди. 1978-йилдан сўнг амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида 1980-йилга келиб кимё саноати ишлаб чиқариш даражаси катта суръатларда ўсиб, шу йили саноат ишлаб чиқаришнинг 12 фоизи кимё саноатига тўғри келди ва саноатнинг бу тармоғи қайта ишлаш ва текстиль тармоқларидан кейин 3-ўринга кўтарилиб олди. 1995-йилнинг ўзидаёқ мамлакатда 4500 дан ортиқ кимё саноати корхоналари фаолият юритиб, уларнинг 300 тага яқини мамлакат саноатининг энг йирик ишлаб чиқариш обеъктлари сафига кирган ҳамда бу завод ва корхоналарда 20 000 га яқин маҳсулот турлари ишлаб чиқарилган. Шундан сўнг, яъни XIX аср 90-йиллари 2-ярмидан бошлаб токи бугунги кунгача XXР кимё саноати юқори суратларда ўсиб борди. Хусусан, XXР кимё саноати 2004-йилда 18%, 2005-йилда 15% ўсишни кўрсатди. Шунингдек 1998-2016-йилларда ўртача йиллик ўсиш сурати 10%ни ташкил қилиб келмоқда, айнан шу сабабли ҳам XXР саноатининг бу тармоғи Хитой иқтисодий ўсишини таъминлашда энг асосий соҳалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳозирда мамлакат кимё саноатининг энг муҳим тармоқлари куйидагилардан иборат:


- Асосий (ноорганик) кимё саноати (ноорганик кислоталар, минерал ва кимёвий тузлар, кимёвий ем воситалари, минерал ўғитлар, хлор, аммиак, калцийлашган ва каустик сода ишлаб чиқариш);
- Органик синтез кимё саноати (яримфабрикатлар ишлаб чиқариш);
- Полимер материаллар саноати (пластмасса, каучук, турли кимёвий толалар ишлаб чиқариш;

- Кимё фармацевтика саноати (даволаш воситаларини ишлаб чиқариш).

Кимё саноати ишлаб чиқариши бутун мамлакат бўйлаб нотекис тақсимланган. Айниқса сульфат кислота, натрий ишқори, калций карбамид, синтетик аммиак, кимёвий ўғитлар, пестицидлар, бензол ишлаб чиқариш маълум бир худудларнинг ҳиссасига тўғри келади. Пластмасса маҳсулотлари, нитрат кислотаси ва азот ишлаб чиқариш ҳам худди шундай хусусиятга эга; бунга сабаб хом-ашё маҳсулотлари ва истеъмолчилар гуруҳининг маълум худудларда тўпланганлиги. Масалан, Пекинг мамлакатда ишлаб чиқарилаётган пластмасса маҳсулотларининг учдан бир қисми тўғри келади. Азот кислотасининг ярми Цзинин ва Ганьсу провинцияларига, фосфорнинг ярмидан кўпи эса Юньнанъ ва Хэби провинцияларига тўғри келади. Баъзи кимё маҳсулотлари эса фақат бир ёки икки худуд томонидан ишлаб чиқарилади (масалан, этилен фақат Пекин ва Шанхайдаги ишлаб чиқарилади).

1-расм

XXР кимё саноати тармоқлари улуши (2014-й.)¹



Ноорганик кимё саноатининг асосий маҳсулотлари (кислоталар, минерал ва кимёвий тузлар, сода)ни ишлаб чиқариш асосан Далянь, Чжэнчжоу ва Шанхай шаҳарларида мужассамланган бўлиб, бунга сабаб истеъмолчиларнинг асосий қисми айнан мана шу шаҳарларда жойлашганлигидир. Бундан ташқари, сода ва кислота ишлаб чиқариш тармоғи бевосита металлургия саноати билан боғланган, чунки металлургия тармоғи ноорганик кимё саноати учун хом ашё етказиб

¹ China Statistical Yearbook/2015

беради. Тармоқдаги баъзи кислота маҳсулотларини ишлаб чиқариш истеъмолчилар гурухи ва энг биринчи галда хом ашё баъзаларига яқинроқ жойда жойлашишни талаб қиласа (масалан, сульфат кислота ишлаб чиқариш заводлари иложи борича қазилма шахталарига яқин жойлашиши мақсадга мувофиқ; бу биринчи галда транспорт харажатларини тежаса, иккинчидан вақтдан ютиш имкониятини беради), бошқалари йирик саноат ҳудудларига яқин жойлашган (масалан, натрий карбонат ишлаб чиқариш соҳил бўйларидағи йирик саноат зоналарида жойлашган). Натрий ишқорини ишлаб чиқариш асосан йирик истеъмолчи гурухлари мавжуд ерда тақсимланган бўлиб, бу ҳудудлар қулай транспорт воситаларига эгалиги билан характерланади. Натрий ишқорининг истеъмолчилари енгил ва текстиль саноатининг завод ва фабрикалари ҳисобланиб, бу маҳсулотни ишлаб чиқариш асосан кичик ва ўрта корхоналарда амалга оширилади. Мавжуд йирик корхоналар йилига 200 минг тоннага яқин натрий ишқорини ишлаб чиқарсалар (масалан, Шанхайдаги Ляоюань), кичик ва ўрта корхоналар йилига 10-40 минг тонна атрофида маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Натрий ишқорини ишлаб чиқаришининг тўртта асосий зоналари мавжуд булиб, улар Чанцзян дельтаси, Пекин-Тяньцзинь ҳудуди, Ляонин шахрининг жанубий қисми, Чунцин-Чэнду ҳудуди ҳисобланиб, ушбу ҳудудларда натрий ишқорининг асосий қисми ишлаб чиқарилади.

Хитойда кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш саноатида азот, фосфат ва поташ кимёвий ўғитларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган бўлиб, кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш саноатининг асосий маҳсулоти азот кимёвий ўғити ҳисобланади. Азотли ўғитларни ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар асосан кўмир конлари яқинида ёки кўмир саноати ҳудудларида жойлашган. Бундан ташқари Шанхай, Цзянсу ва Сычуань шаҳарларида ҳам унча йирик бўлмаган заводлар мавжуд.

Ҳозирги кунда Хитойда 700 га яқин фосфат заводлари мамлакатнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган бўлсада, фосфат ўғити ишлаб чиқаришнинг 70 фоизи жанубий ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади. Фосфат кимёвий ўғитининг атиги 5 фоизига яқини йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади. Қолгани кичик ва маҳаллий корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бу маҳсулотни энг кўп миқдорда ишлаб чиқарувчилар сафига Наньцзин, Таюань, Чжанъзян, Хэнъян, Тунгуаншан, Цзинань, Ханъдань ва Анъда шаҳарларини киритиш мумкин. Калий ўғитларини ишлаб чиқариш саноати нисбатан секин ривожланиш босқичини босиб ўтди. Бунга сабаб уни ишлаб чиқаришда талаб этиладиган силвит хом ашёсининг етишмаслиги ҳисобланади. Силвит хом ашёсининг аниқланган захираси жуда кам бўлиб, ҳудудлар бўйлаб нотекис тақсимланган. Калий ўғитларининг 80 фоизи Цинхай шаҳрида ишлаб чиқарилади ва айнан шу шаҳар калий ўғитлари ишлаб чиқаришда мамлакатда биринчи ўринда туради. Шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бошқа кичик корхоналар Цзянсу, Хунань ва Сычуань

шаҳарларида жойлашган. Ҳозирги қунда азотли кимёвий ўғитларини ишлаб чиқариш бўйича Хитой биринчи ўринда, фосфорли кимёвий ўғитларини ишлаб чиқариш бўйича эса тўртинчи ўринда эътироф этилаётган бўлсада, уларни ишлаб чиқариш мамлакат бўйича барқарор эмас ва шу сабабли ҳам Хитойнинг бу маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги ҳажми ўзгариб туради. Калий ва фосфорли ўғитларни ишлаб чиқариш мамлакат талабини қондирмайди ва уларнинг катта қисми импорт қилинади. Шу сабабли кимё саноатининг бу тармоғи ўз истеъмолчиларининг талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Фосфат ва ишқорнинг аниқланган захиралари ҳам камчиликни ташкил қиласиди. Шу билан бирга фосфат рудасини жанубий ҳудудлардан олиб келишда сарфланадиган транспорт харажатлари натижасида унинг таннархи 2-2,5 баробарга ортиб кетмоқда, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилаётгай маҳсулотнинг нархи ошишига олиб келмоқда. Ҳозирги қунда Хитойда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи жуда ҳам кўп кичик корхоналар мавжуд бўлиб, уларда мавжуд муаммо деярли бир хил хом ашё, сув ресурсларининг етишмаслиги, техник ва ташкилий экспертиза фаолиятининг сустлиги ва бошқалар. Бунинг оқибатида ишлаб чиқариш харажатлари юқори, ишлаб чиқарилга маҳсулотларнинг сифати паст даражада бўлмоқда ва натижада заводлар доимий дефицит ҳолатига тушиб қолмоқдалар. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда эса давлат кимёвий ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга кўпроқ эътибор бериши, қўшимча тоғ-кон қидирав ва бошқа қазиб олиш ишларини йўлга қўйиш зарур. Шу билан бирга юқори сифатли фосфат, калий ва ишқор рудаларини импорт ҳисобига қондириш, таннархи паст сифатли минерал ўғитларни етиштириш юқоридаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари сув хом ашё ресурсларига бой ҳудудлар бир-бири билан бирлашиб, мавжуд кучларини юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хитойда органик кимё саноатининг, айниқса нефткимё саноатини фаолият олиб бориши учун етарли хом ашё ресурслари мавжуд. 1965 йилга қадар бу тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш корхона, завод ва фабрикалари Цзинин, Тайюань ва Ланъчжоу шаҳарларида жойлашган эди. Баъзи ишлаб чиқариш обеъктлари Шанхай ва Наньцзинда мавжуд эди. Ҳозирги кунга келиб эса, органик кимё саноати, айниқса нефткимё саноати Хитой кимё саноатининг асосини ташкил этиб, мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида ўз ишлаб чиқариш обеъктларига эга. Органик кимё саноати пластмасса, синтетик резиналар, синтетик толалар ва этилен ишлаб чиқаришни ўз ичига қамраб олади. Этилен ишлаб чиқариш ҳудудлар бўйича деярли тенг тақсимланган бўлиб, бу борада Пекин ва Шанхай мамлакатда ишлаб чиқарилаётган этилен микдорининг катта қисмини беради. Кейинги ўринларда Гаъсу, Ляонин, Цзянсу, Тяньцзинь ва Цзинин шаҳарлари туради. Шанхайдаги ишлаб чиқарилаётган нефть бензоли ва синтетик толалар жуда юқори сифатга эга бўлиб, Хитой бўйича биринчи

ўринни эгаллади. Бундан ташқари Шанхайдан чиқаётган этилен ва пластмасса маҳсулотлари сифат жиҳатидан иккинчи ўринда, синтетик каучук эса учинчи ўринда туради. Пекиндаги “The Yanshan General Petro-Chemical Works” заводи нефтни қайта ишловчи энг йирик завод сифатида эътироф этилади ва йилига 300 000 тонна этилен ишлаб чиқаради. Этилен ишлаб чиқаришда хорижий компаниилар билан ҳамкорлик қилиш ўзининг юқори босқичига кўтарилди. 2004-2005-йилларда 3 та кўшма корхона шаклидаги йирик заводлар - BASF-YPС Company Ltd/, CHOC-Shell Petro-Chemical Company Ltd., Shanghai Secco Petro-Chemical Company Ltd. қурилди ва улар йилига 2.3 млн.тонна этилен ишлаб чиқариш қувватига эга.

Пекин томонидан ишлаб чиқариладиган этилен, пластмасса маҳсулотлари ва синтетик каучук сифат жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринни, нефть бензоли иккинчи ўринни ва синтетик толалар учинчи ўринни эгаллади. Жанубий Ляониндаги 8 та нефтни қайта ишлаш заводлари мамлакат қайта ишлаб чиқариш қувватининг учдан бир қисмини ташкил этади. Ўз қайта ишлаш воситалари ва асбоб усқуналарини реконструкция ва модернизация қилиш орқали Ляонин ишлаб чиқариш қувватини бундан ҳам ошириши мумкин. Органик кимёвий маҳсулотлар ҳам катта миқёсда импорт қилинади. Асосий импорт қилинувчи органик кимё маҳсулотлари-пропилен, бензол, толуол, метанол, бутанол, гликол, уксус кислотаси, акрилат, фенол ва ангидридлар. Бундан ташқари мономерлар, стирол (этилен-бензол), поливинилхлорид сингари синтетик материалларининг импортдаги ҳажми ҳам юқори.

Хитойда полимер материаллар саноати ҳам юқори даражада ривожланган. Суний толалар ишлаб чиқариш Хитойда айниқса 1990-йилдан кейин жуда тез суратлар билан ривожланди. Ҳозирги даврга келиб Хитой синтетик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда биринчи ўринни эгаллади. Лекин ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам етарли, Мазкур тармоқда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча суст йўлга қўйилган. Масалан, Хитойнинг 15 та йирик синтетик резина фабрикалари йилига 1 млн.тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, лекин улар томонидан факат бутадиен-стирол ва бром резиналари ишлаб чиқарилиб, юқори самарадор синтетик резиналар жуда кам миқдорда ишлаб чиқарилади. Ўтган йиллар давомида мамлакатда полимер материалларга талаб изчил ўсиб борди, статистик маълумотларга кўра 2001-2006-йиллар давомида полимер материалларга талаб йилига 12% даражасида ўсиб борган булса, кейинги ўн йилликда (2006-2016-йиллар) у йилига 7%дан ўсади. Талабнинг бундай юқори даражада ортиб бориши натижасида уни тулиқ миллий маҳсулотлар ҳисобига қондириш имконияти йўқ. Шу сабабли полимер материаллар юқори ҳажмда импорт қилинади, шунга кўра 5 та асосий полимер материаллар импорта 2007-йилда 14 млн. тонна, 2014-йилда эса 16.9 млн тонна, 2016-йилда 17.5 млн тонна полимер материаллари импорт қилинган.

Юқорида тилга олиб ўтилган маҳсулотлар мамлакат кимё

саноатининг энг салмоқли маҳсулотлари сафига киради. Кимё саноатининг кўлами ва унга киритилаётган инвестициялар ҳажми бўйича Хитой жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Инвестициялар йўналиши бўйича нефткимё саноати юқори ўринларга даъвогарлик қилсада, минерал ўғитлар саноатининг ўтган даврлардаги шиддатли ўсиши ва натижада кўмирга асосланган кимёвий воситаларга талабнинг ортиши инвестициялар ҳаракатини бироз ўзгартирди. Ҳозирги даврдаги энг муҳим маҳсулотлар синтетик тола, синтетик резиналар ҳамда сунъий толалар бўлиб, уларга талаб йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ноорганик кимё саноати ва айниқса уч йирик этилен ишлаб чиқариш базалари тобора такомиллашиб бормоқда. Бу корхоналар ҳам халқаро корпорациялар, ҳам йирик Хитой компаниялари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу жараёнлар Хитой кимё ва нефткимё саноатини ривожланган давлатлар кимё саноатига этиб олишини таъминламоқда ва маҳсулотлар сифати ҳамда миқдорида кескин ўсишни таъминлашга хизмат қилмоқда.